


**“Тасдиқлайман”  
“Шарғункўмир” АЖ  
бош директори в.б.**

  
**М.А.Азизкулов**  
“Ш” июнь 2024 йил

“Шарғункўмир” АЖда Коррупциянинг турли хил кўриниши ва унинг  
жамиятга таъсири мавзусида ўтказилган ички ишлар ходими билан  
ўтказилган учрашув-семинарнинг

№ 84 - сонли

**БАЁННОМАСИ**

6 июнь 2024 йил

Шарғун шаҳри

**Йиғилиш раиси: М.А.Азизкулов**

**Йиғилишга таклиф этилган: Сарносиё  
туман ИИБ биринчи муовини  
подполковник Рахмонкулов Бахтиёр  
Мамаражабович**

**Йиғилиш қатнашчилари:**

Ш.Ж.Сурханов, Ш.З.Нормуратов, М.Донаев, А.Қурбонов,  
А.Ю.Шукуров, А.Қурбонов, И.У.Пардаев, М.Пардаев, Ф.Кўчаров,  
Х.Х.Каримов, Б.Қўлдошев, Ф.Ф.Кўчаров, Б.Х.Ходжакулов, О.Э.Эшонкулов,  
Х.Ў.Жумаев, Ж.Т.Саидов, И.Пардаев, У.Норов, Т.Эшмуродов, Л.Тошбобоев,  
Н.Шониёзов, А.Мингноров, И.У.Пардаев, Н.М.Шониёзов, О.Жабборов,  
Ш.Азаматов, С.Ф.Одинаев, А.Исмоилов, Ш.О.Халилова

**Кун тартибидаги масала:**

1. Ишга киритиш учун пора олиш, пора бериш ёхуд воситачилик қилиш келажак авлодга таъсири.
2. “Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисидаги қонунини тадбиқ қилиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш бўйича ходимлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш.

Кун тартибидаги масала юзасидан Сарносиё туман ички ишлар бўлими биринчи муовини подполковник Рахмокулов Бахтиёр Мамаражабович халқ орасида ишга киритиш ёки бирор бир илтимосни ўз манфаатини кўзлаб пора олиш ва бериш, ёхуд шу орада воситачилик қилиш шу ўринда ушбу иллатни ўзига касб қилиб олган фуқарорлар кундан кунга кўпайиб кетаётгани бу эса келажак авлоднинг дунё қарашига ва ҳар томонлама салбий таъсири, конституциявий ва ҳуқуқий онгини паслиги ушбу иллатнинг авж олиб кетаётганлигига сабаб бўлаётгани эҳтимолдан кам эмаслиги шу аснода жиноят эканлиги ҳамда жазога тортилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 210-моддаси **Пора олиш** давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсларнинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши - жиноий жавобгарликка сабаб бўлиб базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланаши, 211-модда - **Пора бериш** яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, 212-модда - **Пора олиш-беришда воситачилик қилиш** яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, 213-модда - **Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш** - Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланаши борасида тўлиқ маълумотларни учрашув қатнашчиларга сўзлаб бердилар.

Шу аснода хизматчиликда бўлган манфаатлар тўқнашуви ва унинг олидини олиш қариндош уруғчилик, тарафма-тараф бўлиб корхоналарда иш юритишга йўл қўймаслик, айнан ушбу манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида 2024 йил 5 июнда №ПҚ-210 сонли Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси

Президентининг қарори қабул қилинганлиги ва уни тадбиқ қилиш ходимларимизда шу борада ҳуқуқий маданиятни кенг тадбиқ қилиш ва ўз лавозими ва мавқеидан қонун асосида белгиланган тартибда иш фаолиятини олиб бориши энг тўғри йўл эканлигини такидлаб ўтдилар.

“Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик 193-модда – Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси ёки ходими томонидан манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хақида хабар бермаслик,- базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлаши, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса,- **базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахсига маълум бўлиб қолган, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўрмаслик,- **базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса,- **базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар давлат харидлари соҳасида содир этилган бўлса,- **мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишини ўқиб эшиттирдилар.** Қатнашчилар билан фикр алмашдилар. Ходимлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Кун тартибидаги масала юзасидан учрашув қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари атрофлича ўрганиб чиқилиб, йиғилиш

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2024 йил 5 июньда №ПҚ-210 сонли Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ижро интизомини мувофиқлаштириш ва назорати мутахассиси (Ш.О.Халилова)га мунтазам равишда тегишли ташкилот ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, семинар ёки профилактик чора тадбирларни амалга ошириш ишларини ташкиллаштириш юклатилсин.

Йиғилиш котиби



Ш.О. Халилова